

“Чет тили ўқитувчиларига методик хизмат кўрсатишни самарали ташкил этиш омиллари”

(Навоий вилояти чет тили методисти иш тажрибаси мисолида – Г.Сағдуллаева)

Ассалому алайкум ҳурматли видеосеминар иштирокчилари. Бугун мен сиз билан “Чет тили ўқитувчиларига методик хизмат кўрсатишни самарали ташкил этиш омиллари” мавзусида вилоятдаги тажрибам билан ўртоқлашмоқчиман.

Методик хизмат кўрсатиш таълим-тарбия жараёнининг долзарб эҳтиёж ва муаммоларни аниқлаб, педагогларнинг эҳтиёжи, талаблари асосида маҳоратини ошириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, таълим самарадорлигини оширишда ўқитувчига амалий ёрдам кўрсатиш, методик таъминотга бўлган эҳтиёжни аниқлашга оид тавсиялар яратиш каби жараёнлари ўз ичига олади.

“Энг самарали методик хизмат бу – педагогларнинг эҳтиёжига асосланган методик хизмат” ҳисобланади. Ушбу жараёни ташкил этиш учун биз, таълим муассасаларини режа асосида ўрганиб таҳлил қилганимизда, ўрганиш жараёнларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун, айнан ўрганилган таълим муассасаларида бошқарманинг буйруғи асосида вилоятдаги барча туманлар режа асосида таълим муассасаларининг хорижий тиллардан ўқув жараёнларини яхшилаш, метод бирлашма ишларига кўмаклашиш, дарс ишланмаларни вазирлик тавсиялари асосида ёзиш тартибларини йўлга қўйиш мақсадида, вилоятдаги энг илғор, тренер-ўқитувчилари, “Йилнинг энг яхши чет тили фани ўқитувчиси” кўрик-танловининг ғолиблари, ишлари оммалаштирилган чет тили ўқитувчиларидан иборат **гуруҳлар билан таълим муассасаларида методик ёрдам кунларини** ташкил этганмиз. Жумладан, бизда муаммолари аниқланган, бўшлиқлар мавжуд туманларимиздан Навбаҳор, Хатирчи ва Конимех туманларида ушбу ишлар олиб борилди. Ушбу тизимли методик хизмат кўрсатишнинг мақсади ишчи гуруҳ аъзоларининг ишларини, намунали дарс ишланмалари, метод бирлашма ишлари, техник жиҳозлардан фойдаланишга доир қўшимча маълумотларни умумлаштириб, ўқитувчиларнинг фойдаланишлари учун туман методисти ва мактаб методбирлашма раҳбари билан биргаликда ўқитувчиларга семинар-тренинг тарзида тақдим этамиз ва бўшлиқлар, муаммоли вазиятларни бартараф этишга эришамиз.

Педагогларнинг методик эҳтиёжини аниқлаш ва таҳлил қилиш учун ҳар ҳафтанинг сешанба кuni ўқитувчиларнинг дарсларини таҳлил қилиш учун туман, шаҳарлардаги таълим муассасаларига борилади. Дарс жараёнини кузатиш билан бир вақтда, ўқувчилардан қисқа савол-жавоб ва сўровнома ўтказиб борилади. Бу жараёнда ўқитувчиларда аниқланган камчиликлар бўйича методик хулосалар ва фикрлар бериб борилади. Қисқа муддатда аниқланган камчиликлар бўйича методик тавсия яратиб, мазкур мактаб ўқитувчиларига ҳамда бошқа таълим муассасаларига етказиб берилади. Дарс таҳлилларини давра суҳбатлари орқали тушунтириш ишларини олиб борамиз. Дарс таҳлили албатта ўқитувчида кузатилаётган камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

1875-сонли Қарорнинг 6-бандига асосан 2013 йилда имтиёзли қабул қилинган 26 нафар шундан, 1 нафар Нукус ДПИ, 18 нафар НДПИ, 7 нафар ЎзДЖТУ талабалари

2017 йилда мазкур олийгоҳларни тугатиб, ўзлари яшайдиган жойларда жойлашган ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тавсияномаларида кўрсатилган таълим муассасаларида 5 йил ишлаб беришлари кутилмоқда. Олий таълим муассасалари билан **ҳамкорликдаги йўналишда биз 26 нафар ўқитувчи билан кадрларга бўлган эҳтиёжни қисман қоплашга эришмоқдамиз.**

Қарорнинг 7-бандига кўра 2014 йил апрель ойида 15-30% устама оладиган ўқитувчилар сони вилоятда 12 нафарни ташкил этган эди. 2015-2016 йил ўқув йилида 55 нафар ўқитувчимиз 15-30% устама олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ҳозирги кунда 15-30% ли устама олувчи ўқитувчилар сони 124 нафарга етди. Ўқитувчиларимизнинг бундай натижага эришишида устама олишга эришган тренер-ўқитувчиларга белгиланган ҳудудлардаги ўқитувчиларни устама олишга тайёрлаш ва улар ҳам устама олишларига эришишларида жавобгарлик ва масъулиятни юкалаган ҳолда, ҳар бир устама оладиган ўқитувчига ўзларининг ҳамкасбларини бириктириб қўйдик. Сиз мониторинг кўриб турган жадвалда туман, шаҳарлар кесимида устама олиш натижалари тақдим этилган.

Ҳозирги кунда туман, шаҳарларидаги 33 та таянч мактабида 42 та гуруҳга лавозим маошларига ойлик 15-30 % ли устама оладиган 42 нафар инглиз тили ўқитувчилари тренерлик фаолият олиб бормоқда. Бундан бизнинг асосий мақсадимиз устама оладиган тренер-ўқитувчиларимиз, ўзлари қандай қилиб устама олиш жараёнига етиб келган бўлсалар, худди шу тартибда ўзларига бириктирилган ўқитувчиларни ҳам шу тарзда тайёрлайдилар.

Барчамизга маълумки, йилнинг аввалида халқ таълими бошқармасининг ўқув-амалий семинар, тренинг ўтказиш бўйича буйруғи чиқарилиб, ижрога йўналитирилади. Шунга кўра ўқув-амалий семинар, тренинг машғулотлар тартиб билан ҳар бир туман, шаҳар кесимида бир ойда 2 марта ўтказилиши режалаштирган. **Ўқув-амалий семинар 1 марта вилоятдаги энг яхши натижага эришган таълим муассасасида ўтказилса, 1 марта республика рейтинг параметрларида паст натижа кўрсатган мактабларда ўтказилиб, фаолиятини яхшилаш, методик ёрдам бериш ҳамда фаолиятни жонлантириш мақсад қилиб олинган.** Бу борада мазкур таълим муассасаларида ўзининг фаолиятини очиб бериш учун янада ишлашга тўғри келиб, чет тили ўқитувчиларида масъулият ва “уйғониш”, ҳамкасбларига эргашиш ҳисси шаклланиб, ўқувчиларда ҳам тайёргарлик жараёнида чет тилидаги билм ва кўинкмалари ривожланади ва уларнинг фаоллиги, фанга қизиқиши ошади. Шу билан бирга ўқитувчи ва ўқувчилардаги раҳбариятнинг рағбатлантирилиши чет тилини ўрганишлари учун яна бир пойдевор яратилаётганлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, Навоий давлат педагогика институти ва вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда ишлаб, биз ҳамкорларимизни ҳам ўтказилаётган ўқув-амалий семинарларга жалб этамиз. Муаммоли вазиятларни ҳал қилиш бўйича тренинг машғулотларини ўтказиб беришларини сўраймиз. Ҳозирги кунга қадар бўладиган ҳар бир семинар-тренингларда Навоий давлат педагогика институти ва вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти чет

тиллари ўқитувчилари ҳам ўз дастурлари билан қатнашиб, методик хизмат тизимини янада яхшилашга ўз ёрдамларини бериб келишмоқда.

Туман, шаҳарларда ўтказилаётган ўқув-амалий семинар, тренингларни натижаси сифатида ҳар йили декабрь ойининг иккинчи ўн кунлигида **“Энг яхши дарс ишланма”**, **“Энг намунали семинар тренинг ўтказган мактаб”**, **“Энг яхши тадбир ишланмаси”**, **“Энг фаол жамоа”** каби номинацияларга ажратиб семинар-тренинг ўтказадиган мактабларни тақдирлаймиз.

Барчамиз биламизки, методик кенгаш фаолияти соҳамизни мувофиқлаштирувчи ва йўналтирувчи қисм ҳисобланади. Вилоятимизда чет тилларидан методик кенгаши фаолияти йўлга қўйилган. Кенгашнинг асосий мақсади, туман, шаҳарлардаги чет тили ўқитувчилар фаолиятини янада такомиллаштириш, чет тили ўқитувчиларнинг фаолият даврида яратган ишлари, методик тавсиялари, дарс ишланмаларини туман, шаҳардан вилоят, республика даражасига олиб чиқишда методик кўмак бериш, муаммоли вазиятларда ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, биз билан янгидан методистлик фаолиятига кирган методистларни вазифасига тўғри йўналтириш, улардаги муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш, бир қатор учрашувлар, методик фикр алмашиниш жараёнларидан иборат.

Методик кенгаш аъзолари томонидан ҳар бир туман, шаҳарда Педагогларнинг методик эҳтиёжини аниқлаш ва методик хизмат кўрсатиш мақсадида **“Касбий маҳоратни ошириш мактаби”**ни ташкил этилган. **“Касбий маҳоратни ошириш мактаби”**нинг асосий мақсади:

- Педагогларнинг ўз билимларини мунтазам ошириб бориш эҳтиёжини шакллантириш ва методик хизмат кўрсатиш;
- педагогларнинг малакасини ва касбий маҳоратини ошириш
- педагогларнинг аниқланган методик эҳтиёжини тўлдириш мақсадида давра суҳбатларини ташкил этиш;
- меъёрий ҳужжатларни расмийлаштиришни тушунтиришдан иборат.

Биз бу мактабга ишга янгидан қабул қилинганларни ва 3 йилгача иш стажига эга бўлган ўқитувчиларни қамраб оламиз. Бу ўқитувчиларга иш стажини 15-20 йил бўлган, изланувчан, ташаббускор ва масъулиятли, “Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси” республика босқичи ғолиблари ва фаол иштирокчиларини ва албатта лавозим маошларга ойлик 15-30 %ли устама оладиган чет тили ўқитувчини мураббий этиб белгилаганмиз.

“Касбий маҳоратни ошириш мактаби” фаолиятидан кутилаётган натижа:

- Вилоятда ижодкор ўқитувчилар жамоаси яратилади;
- янги битириб ишга келган ўқитувчиларнинг касбига бўлган муносабати мустаҳкамланади;
- янги ишга келиб жамоага мослаша олишга қийналаган ўқитувчиларнинг эмоционал салоҳияти рўёбга чиқарилади;
- педагогларнинг методик эҳтиёжлари аниқланади ва керакли тавсиялар берилади,
- “Устоз-шогирд анъаналари” йўлга қўйилади

- Вазирликнинг “Гапир-гапиртир”, “Уялма-уялтирма” каби тавсиялари амалда қўлланила бошлайди
- илғор иш тажрибалар аниқланади ва оммалаштирилади.

Ҳар бир методист ўз иш тажрибалари, методик тавсиялари, жараёндаги янгиликларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориши керак. **Фаолиятим давомида методик тавсия ва мақолалар вилоят нашрларида чоп эттириб бораман.** Шу кунга қадар 20 га яқин мақола ва методик тавсиялар ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиб келинмоқда. Бу эса бошқа методистлар ва ўқитувчиларда ҳам қизиқиш ва ўз ижод намуналари ҳамкасблари билан ўртоқлашишга туртки бўлади.

Шунингдек, **вилоят телерадиокомпанияси билан келишилган ҳолда “Диёр” канали “Кичкинтой” дастурида “Инглиз тили ўрганамиз” телекўрсатувини ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари 11-ДИУМ инглиз тили ўқитувчиси Усмонова Нуржаҳон томонидан олиб боришини йўлга қўйганмиз.** Унда нафақат ўқитувчи балки мактаб ўқувчилари ҳам фаол иштирок этиб боришмоқда. Бу эса, ўқувчиларда ҳам чет тилларини ўрганишга қизиқиш ва рағбат ҳиссини уйғотади.

Бир йилнинг ўзида вилоятда вилоятда 22 нафар, республикада 7 нафар чет тили ўқитувчиларнинг ишлари оммалаштирилган бўлиб, ишлари электрон шаклда, таълим муассасаларига етказиб берилди.

Бошланғич синф ўқувчиларининг **тўғарак жараёнлари самарасини аниқлаш** мақсадида вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан **“Ёш таржимонлар” интеллектуал мусобақасини** ташкил этганмиз. Мазкур танловга бошланғич 2-,3-,4-синф ўқувчиларнинг дарс ва тўғарак жараёнида ўзлаштирган билим кўникма ва малакалари мусобақа тарзида 3 та тил (инглиз, немис ва француз тили)да синовдан ўтказилади. Мусобақа чет тили ўқитувчиларида, ота-оналарда ва барча ўқувчи ёшларда қизиқиш билан қабул қилинди. Бу орқали тўғарак ишлари фаолияти янада самарали ташкил этилишига эришилмоқда.

Вазирлик буйруғи асосида чет тилларидан “йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танлови ўтказилиб келинади.

Инглиз, немис ва француз тили фанларидан республикада ғолибликни қўлга киритган ўқитувчилар иштирокида ўқитувчига касбий муаммо ва қийинчиликларни ечишда кўмаклашиш, методик хизматни ўз касбий салоҳиятини ошириб бораётган ўқитувчилар ўртасидаги ҳамкорлик доирасида ишларни ташкил этишга қаратилган семинарлар ташкил этиб келинмоқда. Инглиз тили ўқитувчилари Буюк Британия сафаридаги ўз таасуротлари, малака ошириш курсларидаги олган билим ва кўникмалари билан яқиндан ўртоқлашдилар.

Сизга, ўз фаолиятим юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳусусида ўртоқлашмоқчи бўлган тажрибам шулардан иборат эди. Чет тилларини ўқитиш тизимини янада самарали ташкил этиш борасида бундан язши натижаларга эришишимда ўзаро тажриба алмашиш, шу каби семинарларни кўпроқ ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблайман.

Эътиборингиз учун раҳмат!